



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 18 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168 (12.981)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Жаннатмакон
юртимизда **Энг улуг, энг азиз байрамимиз** — **Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик қутлуғ тўйини нишонлаш мақсадида барча гўшаларда кенг миқёсда қизгин тараддуд кўрилмақда.**

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Шаҳримизнинг обод ва кўркам гўшаларидан саналмиш Юнусобод тумани ҳам бугунги кунда қутлуғ байрамни ўзига хос ютуқлар билан муносиб қутиб олмақда. Туман аҳолиси бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига муҳим эътибор қаратиб, Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

1936 йилда ташкил топган туманининг умумий майдони 41,1 квадрат километр бўлиб, 313,2 минг аҳоли истиқомат қилади. Туманда 58 та маҳалла, 1118 та кўп қаватли, 16113 та яқка тартибдаги уй-жойлар мавжуд.

Болажонларнинг соғлом ва зукко бўлиб воғда етишида тумандаги 62 та мактабгача таълим муассасасининг хизмати катта бўлаяпти. Шунингдек, туманда 39 та умумтаълим мактаби, 3 та мусика мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи бор. 4 та олий ўқув юрти, 6 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежида ўқувчи-ёшларга билим берилаяпти, касб-хунар сирлари ўргатиляпти.

Кўркам ва улугвор «Туркистон» саройи, болажонларнинг севишли масканлари бўлган «Ақвабод», «Тошкентленд», пойтахтимиздаги ягона хайвонот боғи ҳам туман ҳудудида жойлашган.

Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсиши ва унинг истиқболи,

аҳолининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларининг ҳал этилишига боғлиқ.

— Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида мустақиллик йилларида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Юнусобод туман ҳокимлигининг иқтисодиёт сектори бошлиғи Хусан Тўраходжаев. — Жумладан, ишончли норматив-ҳуқуқий база яратилди ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларининг ҳимояси таъминланди. Уларнинг моддий-техника ва молиявий ресурслар олишлари учун кенг имкониятлар пайдо бўлди, бизнес-муҳит яхшиланди. Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари ва рухсат бериш тартиблари анча қискарди, ҳисобот тизими соддалаштирилди. Юнусобод тумани иқтисодиёти ривожланишида ҳам кичик бизнес субъектлари муҳим роль ўйнамоқда. Хозирда саноат ишлаб чиқаришнинг 86,5 фоизи ва жами хизматларнинг 67,2 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри

келмоқда. Тумандаги банд аҳолининг 57,4 фоизи (89,3 минг киши) кичик бизнес соҳасида фаолият юритмоқда.

2015 йилнинг ўтган ярим йили яқини бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар натижалари қуйидагиларни кўрсатмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 547,1 млрд. сўм, ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 331,6 млрд. сўм, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми — 215,5 млрд. сўм, асосий капиталга инвестиция ҳажми — 311,9 млрд. сўм, пулдор-қурилиш ишлари ҳажми — 156,1 млрд. сўм, чакана савдо айланмаси ҳажми — 677,3 млрд. сўм, жами хизматлар ҳажми — 1702,4 млрд. сўм, пуллик хизматлар ҳажми — 341,8 млрд. сўм, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ҳажми — 11,4 млрд. сўм, ҳудудий экспорт ҳажми — 89,1 млн. долларни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Юнусобод тумани ҳам шаҳримизнинг бошқа туманлари каби Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан қутиб олишга шайланган.

(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида татбиқасиз)

Юксак маънавият — енгилмас куч

ВАТАНДАН ФАХРЛАНИШ ҚАЛБИМИЗНИ ЯШНАТСИН!

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизга қандай машаққатлар эвазига эришилганини юртдошларимиз яхши англайди. Шу боис ютуқларимиз асоси бўлган тинчлик ва барқарорликни асраш, доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиш бугуннинг муҳим талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида халқимиз оқсоқоллигини сақлашда ички ишлар ходимларининг касб маҳорати ва маънавиятини ошириш, уларда ватанпарварлик, юртга садоқат туйғусини қучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар билан ана шу руҳда иш олиб бориш билан боғлиқ масалаларга бағишлаб ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ўринбосари А.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiга мустаҳкам замин яратганини таъкидлади. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар юртимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётди.

Ички ишлар тизимида ходимлар малакасини оширишга эътибор қаратилиши билан бирга маънавий-маърифий ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гуруҳ, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз киёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.

Бундай улғўй Ватанга садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга, унинг тинчлигини асрашга, халқ манфаатларини таъминлашга даъват этади.

Тадбирда мазкур йўналишда қилиниши зарур бўлган ишлар, аҳоли ва ёшлар билан ишлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдрилди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грантига сазовор бўлган ННТларга сертификатлар топширилди.

• Термизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманида 16-17 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида кум устида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 200 нафарга яқин спортчи 20 вазн тоифасида куч сынашди.

• Бухоро шаҳридаги нефть ва газ саноати касб-хунар коллежида вилоят меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Тяньцзинь шаҳридаги портда юз берган портлашлар натижасида суғурта зарари 1 миллиарддан 1,5 миллиард долларгача етиши мумкин. Бу ҳақда Credit Suisse инвестиция банки таҳлилчиларига таяниб, «Ведомости» хабар берди. Айни пайтда экспертларнинг таъкидлашича, мижозлар зарарни қоплаши керак бўлган компанияларга тўловни сўраб мурожаат қилишни бошлаганига қарамай, суғурта зарарининг аниқ миқдорини айтишга ҳали эрта. Бундай компаниялар орасида Zurich Insurance ва Allianz SE бор.

• Samsung Galaxy S6 Edge+ ва Note 5 флагман смартфонларини тақдим этди. Уларнинг ҳар иккиси тўрт гигабайтлик тезкор хотира, Exynos янги процессори, уч минг миллиамперлик батарея ва диагонали 5,7 дюйм бўлган экранга эга. Note 5 эса Galaxy S6 Edge+ смартфонидан стилуснинг мавжудлиги билан фарқланади. Бундан ташқари, Samsung ўзининг Samsung Pay тўлов хизматини тақдим этди.

• АКШнинг Сан-Диего шаҳрида Калифорния университети олимлари гуруҳи автомобилларнинг борт электроникасини SMS юбориш орқали бузиш йўлини топди. Экспертлар машинани диагностика портага ўрнатилган махсус датчик орқали уни масофадан бошқариш мумкинлигини аниқлаган. Бундай қурилмалар одатда транспорт ва суғурта компаниялари томонидан автомобилнинг қаердалиги, тезлиги ва ёқилғи тежамкорлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш учун ишлатилади.

Зеро, бу кунларни, мустақиллик аталган бебаҳо неъматни аждодларимиз қанчалик интиқ бўлиб кутганини шу заминда яшаётган ҳар бир инсон яхши англайди. Тарихан қисқа, аммо асрларга татигулик мустақил тараққиёт йилларида Президентимиз Ислон Каримов бошчилигида эришилган улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётини нурафшон қилган ислохотлар, жаҳон айвонида Ватанимизнинг ўрни юксалиб бораётгани қалбларимизга нафақат чексиз ифтихор, балки бу азиз неъматларни асраш туйғусини ҳам муҳрлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказишга оид вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жойларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

— Мамлакатимизда ҳукм сураётган ҳамжихатлик муҳити тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омилдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Қобилхон Наки-

Мамлакатимиз бўйлаб Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги шодиёнасига кенг тайёргарлик кўрилмақда. Бу шундай дорилоним кунларга шукрона келтириб яшаётган бобо ва бувиларимизнинг дуоларида, кўзларинда эртанги кунга ишонч балққан ҳар бир юртдошимизнинг қалб сўзларида, қорақўз дилбандларимизнинг шодон кулгисига ёрқин намоён бўляпти.

ТИНЧ ВА ОСУДА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

бов. — Элу юртининг шодиёна кунларида бу неъматнинг қадри янада яққолроқ намоён бўлади. Чунки оқсоқоллик ҳукм сурган, дўстона муносабатлар қарор топган жойдагина кўнгилдагидек байрам қилиш мумкин.

Президентимиз қарорида юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлашга алоҳида уруғ берилган. Турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора қучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар идоралари тизимида байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган

режа асосида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Нохуш ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус рейдлар ўтказиляпти. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари фаол иштирок этмоқда. Тадбирлар давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этиляпти.

(Давоми 2-бетда)

Истиқлол, ислоҳот, истиқбол

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийтимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ислом КАРИМОВ

Тадбиркорлик – азалий касбу кор. Бу кишидан, аввало, салоҳият, ақл, қолаверса, катта меҳнат талаб қилади.

Аммо ҳамма ҳам тадбиркор бўлавермайди. Бежиз эмаски, буюк Соҳибқирон Амир Темур: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши – минг тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзал”, – деб ҳисоблаган.

Тилимизда “тадбиркор” тушунчасига яқин келадиган “ишбилармон”, “эпчил”, “омилкор” каби ифодалар ҳам фаол ишлатилади.

Шу ифодалардан ҳам аён бўлиб турибдики, тадбиркорлик азалдан халқимизнинг қонида бор. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўз маърузаларидан бирида: “Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буюн алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу хунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш бора-сидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин. ...Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қони, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди”, – деган эди.

Шунга қарамадан, шўро даврида одамларнинг тадбиркорлик қилишига мутлақо йўл қўйилмади. Бирор киши, ҳатто, оддийгина газли сув сотадиган дўконга ҳам, ямоқчилик устахонасига ҳам, сартарошхонага ҳам эга эмас эди. Ҳаммасини давлат қорхоналари ташкил қилар, ҳеч кимга хусусий бизнес ҳуқуқи берилмаган эди.

Истиқлол даврида ишчиллик билан олиб бораётган тўб ислохотларнинг бош мақсади – Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар сарфидан муносиб ўрин олишидан иборат.

Дунёда 252 мамлакат бор. Қайси давлатда ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари паст даражада бўлса, янги технологиялар тинимсиз равишда ишга тушириб бориладими, маҳсулот еттиштиришда саноатнинг улуши кам бўлса, экспортга нисбатан импорт ҳиссаси кўпроқ ўрин тутса, шу мамлакатда унумсиз меҳнат билан машғул бўлишга мажбур бўлади.

Ким ақлини кўпроқ ишга сола олса, тадбиркор бўлса, унга ҳамма омад ёр.

Айнан шунинг учун ҳам ҳамма ўз соҳасида қайсидир маънода тадбиркор бўлишга интилиши керак.

Тадбиркорлик – ҳам кенг, ҳам теран тушунча. Ҳаёт шунинг кўрсаткичи, ҳар қадамда тадбиркорликка эҳтиёж бор. Жамиятнинг ўзи шунинг талаб қилиб турибди.

Шўро замонида ҳамма ишлаб чиқариш давлатники бўлиб, ҳатто, кооператив ташкилотлар ҳуқуқи ҳам ўта чекланган бўларди. “Қолхоз ҳисобидан пул бор, лекин болалар бочаси эшикларини таъмирлаш учун давлатдан сўрамасдан бир челақ мих ҳам сотиб ололмаймиз”, – деган эди бир жамоа хўжалиги райси ўша замонда. Айнан шунинг учун ҳам қаерда бир маҳсулот ишлаб чиқарилса, қайси қорхона ёки ташкилотда даромад қўрилайдиган бўлса, ҳатто, қонунсиз асосда шу ердан тама қилиб ётган соҳалар вакиллари кўп бўлар эди.

Зеро бутун мулк давлатники бўлган жамиятда қандай тадбиркорлик қиласан? Тадбиркорлик учун, аввало, хусусий мулк керак, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқий қафолатлаштириш лозим...

Аждодаларимизнинг савдо соҳасини изчил ривожлантирганини биламиз. Савдо ҳам тадбиркорликка киради. Савдогарлар бир мамлакатдан иккинчисига фақат моддий товарларнигина олиб бормаган, албатта. Савдо баҳонасида ақл, тафаккур, техника, технология, илм-фан, маданият, тамаддун ҳам бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа кўнган...

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимиз яна қайтадан дунё билан боғланиш ҳуқуқини кўлга киритди. Истиқлол, аввало, тадбиркорликка кенг йўл очди.

1997 йилдан бери мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус” кўрик-танлови ўтказиб келинади. Голиблар тантанали равишда тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1997) Фармони иловасида белгилаб берилган 25 турдаги хунарамандчилик фаолияти билан шуғулланаётганлар қатъий белгиланган солиқ ва боғжона тўловларидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчилик фаолиятини ривожлантириш ва

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 29 июлдаги қарорида қасаначилик фаолияти хунарамандчилик билан тенглаштирилган ва хунарамандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари рўйхати (42 та йўналиш) белгилаб берилган.

Булар ишбилармонлар учун яратилган имкониятларнинг айримлари, холос. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” (2011)да бу борада янги қонунлар қабул қилинди, мавжуд қонунларга эса жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2012 йил 12-14 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги “Маърифат маркази” мажмуасининг Симпозиумлар саройида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди ва унда иштирокчиларнинг мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор эканини қайд этишгани барчага маълум.

Тадбиркорликни ривожлантириш дегани – амалда аҳолининг, янги-янги иш жойларини пайдо қилиш, боқимандалик асоратидан қутулиш, турмуш фаровонлигига ўз кучи билан эришиш,

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК: ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ



Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариляпти.

Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75 – 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф, яъни мулкдорлар синфи жамият таянчига айланиб бораётир.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этмоқда. Бу эса шу йўналишдаги амалий ишларимизнинг яққол самараси ҳисобланади.

моддий манфаатдорлик асосида ишлаб чиқариш омиллини кучайтиришга ҳисса қўйиш, дегани. Бу ҳаммани, аввало, ўзи, кейин оиласи, қолаверса, мамлакат тақдирига дахлдор деб ҳис этишга олиб келади.

Қонунларимиз қабул қилинаётганда муттасил равишда мамлакатда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш, жамиятни либераллаштириш, демократик ислохотларни жадаллаштириш учун, аввало, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни раванқ топтириш кераклиги худди “Икки карра икки – тўрт”, – дегандек аён масала.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада раванқ топтириш учун бундан-да раво ва ёруғ йўл очди.

Мазкур Фармон асосида 4 асосий йўналиш бўйича амалга оширилаётган 33 та чора-тадбирни ўз ичига қамраб олган комплекс Дастур тасдиқланди.

Хўш, Фармон ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган ушбу Дастур асосида амалда қандай янгилликлар юз беради?

Биринчидан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлиқ қилишнинг олди олинади. Ҳатто, хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини бузганлик учун давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилиб, бунга қарши жиноий жавобгарликка тортиш даражасида чора кўриш йўлга қўйилаётган бўлди.

Иккинчидан, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш, бу соҳа вакилларига қулай имкониятлар қилиб бериш кўзда тутилган. Бунинг учун эса бу фаолиятни ташкил этиш ва йўлга қўйиш тартиб-тамоийилларининг замон талаблари асосида янада содда-лаштирилиши чоралари кўрилади. Ўз-ўзидан, бу мақсадга етиш учун маъмурий ва жиноий қонунчиликни либераллаштириш, яъни эркинлаштириш орқали тадбиркорликка янада кенг йўл ва имкониятлар бериш тақозо этилади.

Демак, Фармон асосида айрим қонунларимиз, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Тадбиркорлик фаолияти эркин-

лигининг қафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилади.

Айталик, бундан кейин тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан бузиб ташлаганлик учун, шунингдек, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни қайта-қайта бузган мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик жорий этилади. Ёки яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам янада кенг имкониятлар яратиб берилади. Уларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари учун ишчи ёллаш имкониятлари кенгайтирилади.

Жумладан, агар яқка тартибдаги тадбиркор касб-хунари коллежини битирганларни ишга олса, бу ишчи коллежини битиргандан бошлаб бир йил мобайнида ёлланма ишчилар учун кўзда тутилган солиқдан озод этилади. Бу эса мамлакатимизда ҳар йили касб-хунари коллежларини битираётган минглаб ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилишни осонлаштиради.

Шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказиш миқдори ҳам камайтирилади.

Ҳаёт бор экан, муаммо бўлаверади.

Ҳар қандай муаммонинг ечимини топса бўлади. Бунга биргина Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллигини кўлга киритганидан кейинги босиб ўтган мураккаб йўлни кўз олдимизга келтирганимизда ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз. Чунки 1991 йилнинг 31 августидан бошимизда шу қадар кўп ва катта-катта муаммолар бор эдики, давлат ва халқ бирлиги ҳамкорлигида шуларнинг барини енгиб ўтиб, ҳозирги тараққиёт даражасига етдик. Ҳар йили 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ялпи ички маҳсулот кўпайишига эришиб келямиз.

Мана, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан шундай катта оидимлар ташланапти. Бу соҳанинг янада ривожланиши, тараққиётда мунтазамлиқни таъминлаш учун фақат шаҳарларда эмас, қишлоқ жойларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал раванқ топтириш зарур. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроги айнан қишлоқларда истиқомат қилади. Бу борада ҳозирда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этамиз.

Хусусий тадбиркорлик – комплекс соҳа. Уни ривожлантириш учун у билан боғлиқ барча тизимларнинг тараққиётига эришиш керак. “Янгисини қурмай туриб эскисини бузма”, – деган қатъият бежиз жорий этилмаган.

Хорижий инвестициялар киритиш ҳам мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида ун маҳсулотлари, жумладан, макаронни, ҳатто гугуртни ҳам фақат четдан олар эдик. Импорт эса ҳамма вақт қимматга тушади. Бугун эса дўконларимизни бу соҳада, асосан, ўзимизнинг товарлар эгалладик. Гўшт ва сут маҳсулотлари, жумладан, қолбаса ва пишлоқ ишлаб чиқаришда ҳам ана шундай тараққиётга эришдик.

Демак, халқимиз аллақачон хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижобий натижаларидан баҳраманд бўла бошлади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасида эришган ютуқларимизни дунё тан олди. Бунинг алоҳида аҳамияти бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик раванқ топаётган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортиб бораверади. Бирон-бир мамлакат билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, у ерда қўйма қорхоналар ташкил этиш, бу ерга инвестиция киритиш учун ҳам қафолатли тараққиёт бўлиши зарур.

Модомики, биз бозор иқтисодиётга ўтиш мақсад қилган эканмиз, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришимиз лозим. Бунинг учун мамлакатимизда кенг имкониятлар очиб берилган.

Ҳа, барча қўлидан келгани қадар, имконияти доирасида тадбиркорлик билан машғул бўлсин! Бу – эзгу ғоя. Замонлар ва мақолада ҳам жамиятни муайян ғоялар бошқаради, бирлаштиради, қайсидир мақсад-муддаоларга етаклайди.

Энг муҳими, биз эзгу мақсадларга эришиш йўлини танлаганимиз ва дадил қадам ташлаб бораемиз.

Бу соҳани жадал ривожлантириш учун, Юртбошимиз доимо таъкидлаганидек, **мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат бўлиши зарур.**

Оли МАҲМУДОВ

ТИНЧ ВА ОСУДА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Байрам олдидан барча туман, шаҳар, маҳалла ва овулларда ички ишлар органлари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли тинчлигини сақлашга оид зарур чораларни кўриш билан бирга жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда профилактик таъсир кўрсатишга оид вазифаларни ҳам самарали адо этмоқда. Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллалар, қорхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилмоқда.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олишга оид фаолияти янада кучайтирилди. Ушбу хизмат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни самарали адо этмоқда. Улар маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, спортга кенг жалб этиш ишларини изчил йўлга қўймоқда. Бу маҳаллалар муҳитининг тобора соғломлашишига хизмат қилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиздаги тўрт мингга яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг тасдиғидир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидан. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиладиган барча майдонлар ва уларнинг атрофидаги иншоот ва ташкилотлар, хонадонлар кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, бир миллиондан ортиқ турар жойларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди. Натижада ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган мансабдор шахс ва фуқароларга тегишли равишда жараима қўлланилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада соҳада тизимли ишлар олиб боришмоқда, йўл-патруль хизмати масканларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилаётир. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун барча жамоат транспортлари техник кўриқдан ўтказилди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар атрофидаги йўллар ва йўл белгилари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилди.

Айтиб ўтиш керакки, йўл ҳаракати қоидаларининг такомиллаштирилгани, қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг кучайтирилгани йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига замин яратди. Соҳага замонавий ахборот-технологиялари жорий этилаётгани транспорт оқимини кузатиш, уларни тартибга солиш, қоидабузарликларни тезкор аниқлаш борасида янада кенг имкониятлар яратди.

Ички ишлар идоралари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланмоқда.

2015 йилги қонун устуворлиги индексиди Ўзбекистон мамлакатда тартиб ва ҳавфсизликнинг таъминлангани кўрсаткичи бўйича МДҲ давлатлари ичида биринчи натижани қайд қилгани бунинг исботидир.

Қонун устуворлиги индекси 2010 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, адолат ва қонунлиқнинг универсал принциплар асосига қурилади. У ҳар йили World Justice Project халқаро ноҳуқмат ташкилоти томонидан эълон қилиб борилади.

Бундай ютуқларнинг янада кўпайиши ҳар биримизнинг ҳушёрлигимиз ва огоҳлигимиз, фаоллигимиз ва ҳамжихатлигимизга боғлиқ эканини юртдошларимиз доимо ёдда тутиши зарур. Зеро, бу нафақат байрамлар шукҳини, балки кундалик турмушимизнинг фойду баракасини ҳам оширади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги, уларнинг бизнес билан шуғулланиши, миллий хунармандчилигимизни ривожлантириш масалалари энг муҳим йўналишлар сирасига киради. Бу борада уларга қўллаб-қувватлаш имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ бугун юртимизда ишбилармон ва хунарманд аёлларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Юнусобод туманидаги "Jasmin Fito Pharma" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Р.Нормаматова ҳам хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, янги иш ўринлари очиб, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш борасида ишлатилмоқда. Ушбу корхонада юртимизда ўсаядиган доривор гиёҳлар, табиий маҳсулотлардан шифобахш мойлар ва турли косметика воситалари ишлаб чиқаришмоқда.

— Бугун юртимизда тадбиркор аёлларга қўллаб-қувватлаш яратиб берилмоқда ва биз ундан кенг фойдаланиб, ўз иши-

мизни йўлга қўйиб олдик, — дейди "Jasmin Fito Pharma" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Райхона Нормаматова. — Корхонамиз 2012 йилда ташкил топган. Тери устига қўлланиладиган даволовчи косметик воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда 9 турдаги фито тузлар ва 5 хил фито мойлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жаннатмакон юртимизда ўсиб-ўнаётган доривор гиёҳлардан табиий усулда косметик воситалар

тайёрланади. Технологиюлар томонидан табиий гиёҳлар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотларимиз ҳеч қандай аллергия бермайди ва улар пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги дорихоналар, шу билан бирга саноатрийларга етказиб берилди.

Жорий йил корхонада 2 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Келгусида корхонанинг кенгайиши натижасида янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Асосийси ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотларнинг тури ва сифатини янада ошириш режалаштирилган.

Корхонада маҳсулотларнинг харидор-боллигини таъминлаш мақсадида қадқоқлаш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда. Харидорларга қулайлик яратиш учун доривор воситаларнинг қўлланиш усуллари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Масъулияти чекланган жамияти юртимизда ўтказиладиган турли кўргазма ва танловларда фаол тарзда қатнашиб келади. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус - 2015" кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида "Менинг юртим - менинг ифтихорим" йўналишида тақдирланди. Шу билан бирга худди шу йили "Тадбиркор аёл: Ватанимиз равнақиға ўз хиссамизни қўшамиз" деб номланган савдо кўргазмаси ва тадбиркорлик кунларида ўз маҳсулотларини намойиш этди.

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА МУНОСИБ УЛУШ

Юртимизда навқирон авлоднинг бадий-эстетик таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ёшларга ўз иқтидори ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жойларда бугунги кун руҳига монанд қад ростлаётган мусика ва санъат мактаблари соҳа истиқболига қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

ИСТЕЪДОДЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Тумандаги 1-сон болалар мусика ва санъат мактабига ўғил-қизлар замонавий шароитларда таълим-тарбия олмақда. Ушбу мактаб мустақим моддий-техник ва ўқув базасига эга. Мактабда фортепиано, вокал, торли, зарбли ва ўзбек халқ мусика асбоблари, хореография, тасвир ва амалий санъат сир-асрорларини ўрганиш учун зарур шароитлар яратилган. Бунинг самараси ўлароқ ўқувчилар мамлакатимиз ва халқроқ микёсда ўтказиладиган мусика танлов ва фестивалларида катта ютуқларга эришиб келмоқда.

— 13 та йўналишда ўғил-қизларга малакали мутахассислар билан бир қаторда ёш устозлар ҳам сабоқ бериб келмоқда, — дейди 1-сон болалар мусика ва санъат мактаби директори Дилором Мирсодиқова. — Улар Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти, Миллий ракс ва хореография олий мактабининг тамомлаб, мазкур даргоҳда фаолиятларини давом эттиришмоқда. Ана шундай жонқуяр устозлардан бири Валентина Лупашко раҳбарлигида Сабина Мустаева Москвада бўлиб ўтган "Голос. Дети" халқаро телевизион кўрик-танловда 1-ўринни эгаллади. Яна бир ўқувчиси Лайло Жўраева Италияда ўтказилган танловда Хоразм миллий қўшиғини ижро этиб, 3-ўринга лойиқ топилди.

Тиббиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-оилавий поликлиника учун Инвестиция дастурига биноан 2013 йилда янги бино қурилиб, сўнгги асбоб-анжомлар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда поликлиника тумандаги 10 та маҳаллада истиқомат қилувчи 33760 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари 4 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабча таълим муассасаси ва Тошкент туризм коллежи ҳам поликлиникага бириктирилган. Поликлиникада жарроҳ, эндокринолог, гинеколог, ортопед-травматолог, невропатолог, окулист, стоматолог каби тор мутахассислар ҳамда кардиоревматолог, психоневролог шифокорлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

— Мамлакатимиздаги барча тиббиёт-профилактика муассасалари каби поликлиника шифокорлари ҳам аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини

нади. Поликлиникага қарашли маҳалларда маслаҳатчи қарашли бўлиб келмоқда. "Саломатлик сектори"нинг асосий вазифалари ва амалга ошириладиган ишлар тасдиқланган бўлиб, ҳафта кунларида "Саломатлик сектори" тузилмаси янгиланди ва ҳафтадан ҳар бир кунга учун сектор аъзоларидан жавобгарлари бириктирилди.

Оилавий поликлиникада очилган фитофар аҳоли хизматида. Беморлар шифокорлар тавсиясига кўра шифобахш дарахлардан фойдаланиб, саломатликларини тиклаш имконига эга бўлмоқдалар. Бундай қулайликларнинг мавжудлиги мамлакатимизда тиббий хизматлар салоҳиятини янада ошартирилганлигига мисолдир.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан поликлиникада ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари "Қариялар кун"и деб эълон қилинган. Умумий амалиёт шифокорлари кексаларнинг саломатлигини мустақамлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг қонунчилик асослари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бирга, давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, қўмиталар, жамоат ташкилотларидан мутахассислар ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътиборли бўлиш ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг юксак маънавий ва маданий белгисидир. Халқимизга хос бўлган бундай юксак фазилатлар қадрла-ниб, кейинги йилларда ушбу йўналишдаги ишлар қўлами янада кенгайди.

Матбуот анжуманида сўз олган Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Даврон Қазанга-ров азалий қадриятларимиз истиқлол туфайли дав-лат сиёсати даражасига кўтарилгани, ёши улғу ин-сонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг дуо-ларини олиш фарзандлик бурчимиз экани, жорий йилимизнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб ном-лангани ҳам кекса авлодга кўрсатилаётган эътибо-ру ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси экани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақил-лик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида мамлака-тимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этди. Амалий саъй-ҳаракатлар натижасида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртаси-да эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табарруқ ин-сонлар фарзанду набибалар ардоғида кексалик гаштини сурмоқдалар.

Ўтган йиллар давомида бошланган хайрли ишлар-ни давом эттириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда "Кекса-ларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинди ва мазкур йилга бағишланган Давлат дастури қабул қилинди.

Давлат дастурида жорий йилда ижтимоий, иқти-содий, ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган барча чора-тадбирлар аниқ белгиланган бўли-ган. Қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён бўлиб, давр тақозоси ва тараққиёт унинг олди-га доимо янги-янги вазифалар қўйиши табиий. Бугун-ги кунда Давлат дастури асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда.

Давлат дастурида кекса авлодга эътибор ва ғам-хўрликни қўлтириш ҳамда улар ҳаёти мазмунини оширишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини иш-лаб чиқиш белгиланган.

Мазкур дастур кексалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини қўлтириш билан бирга улар учун яратилаётган имтиёзлар қўламини ҳам кенгайтиради. Бугунги кун-да дастур доирасида айрим қонун лойиҳалари иш-лаб чиқилди.

Жумладан, Давлат дастури доирасида ишлаб чи-қилган "Қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида қариялар, ногирон-лар ҳамда аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг асосий принциплари ва ме-ханизмларини, шунингдек, ҳуқуқий, ташкилий ва иқти-содий асосларини мустақамлаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг тури ва шакллари бел-гиланган, бу соҳада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа масъул идораларнинг ваколат-лари, мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида эса кекса авлодга нисбатан жиноят қонунчилиги нормалари янада либераллаштирилган.

Ёши улғу инсонларни қадрлаш ҳам миллий қад-риятларимиз сирасига киради. Кексаларнинг ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ўғитларига амал қилиб яшаш қимматли, турмуш фаровонлигига асоси-дир. Зеро, кексалар эъзоз топган юрт аҳлининг кўнгиллари хотиржам, ҳаёти тинч, осойишта, тур-муши эса обод ва фаровон бўлади.

Учрашувда мутахассислар журналистларни қизиқ-тирган, муҳомада этилган мавзуга оид барча маса-лалар бўйича берилган саволларга жавоб қайтар-дилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 14 май кунини №007433-05 рақами билан рўйхатдан ўтган, Олмазор тумани И.Шошйи қўчаси, 4-уйи манзилида жойлашган "Nodira Nilufar Hamkor" хусусий корхонаси (ИНН 302948559) Олмазор тумани ҳокимлиги-нинг 20.04.2015 йилдаги №1 буйруғига асосан тугатилади.

Даволат эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Олмазор тумани, И.Шошйи қўчаси, 4-уйи.

Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўт-казиш инспекцияси томонидан 2011 йил 27 апрель кунини №05-303312 рақами билан рўйхатдан ўтган Олмазор тумани, АБ.Шошйи қўчаси, 4-уйида жойлашган "Nodira Nilufar Savdo" масъулияти чек-ланган жамияти (ИНН 201253178) Олмазор тумани ҳокимлиги-нинг 20.04.2015 йилдаги №1 буйруғига асосан тугатилади.

Даволат эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Олмазор тумани, И.Шошйи қўчаси, 4-уйи.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси уни-верситетнинг "Машина механизми ва деталлари" ка-федраси профессори Шораҳмат Шообидовга падари буз-руквори

АСҚАР отанинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Еттинчи босқич: викторина давом этади!

“СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?”



Савол:

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети қачон ташкил этилган?

Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Тошкент шаҳридаги Инха университети раҳбарияти ва Инха университети (Жанубий Корея) делегацияси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда маълум қилинди. Тадбир иштирокчиларига Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йилда ташкил этилган ушбу олий таълим муассасаси ва уни ривожлантириш истисколари хусусида атофлича маълумот берилди.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори Шерзод Шерматов мамлакатимиздаги ушбу университет Корея Республикаси томонидан хорижда ташкил этилган биринчи олий ўқув юрти эканини таъкидлади. Мазкур таълим муассасаси мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг ёрқин самарасидир.

Тадбирда талабалар учун университетда яратилган шароитлар, жорий йилги кириш имтиҳонлари натижалари, иқтидорли ёшлар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизими хусусида сўз юритилди.

Олий ўқув юрти вакилларининг фикрига кўра, кириш имтиҳонларида қайд этилган аъло натижалар кўп жихатдан университетда абитуриентлар учун махсус тайёрлов курслари ташкил этилгани билан боғлиқ. Шуниси эътиборлики, энг яхши натижа кўрсатган тингловчилар курсни татомлагач, имтиҳон топширмасдан ўқишга қабул қилинди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида пойтахтимиз мактаблари қошидаги оромгоҳлар тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ёз ўтмоқда — соз

“БОЙЧЕЧАК” ЖАМОАСИ — ҒОЛИБ

Яшнобод туманидаги 28-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда жамғарманинг Яшнобод туман бўлими ҳамкорлигида уюшти-

рилган спартакиада мусобақаларида 166-мактабнинг “Юлдузча”, 216-мактабнинг “Бойче-чак” ҳамда 282-мактабнинг “Камалак” жамоалари ўзаро беллашди.

Спортнинг қувноқ спортлар, дартс, армрестлинг, футбол турлари бўйича ташкил этилган беллашуларда 120 нафар тарбияланувчилар (шундан 60 таси қизлар)

ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Қизқарли, мурасасиз ва қизгин кечган бахслар якунида шохсупанинг энг юқори поғонаси 216-мактабнинг “Бойче-чак” жамоаси вакилларига насиб этган бўлса, фахрли 2, 3-ўринларни 166-мактабнинг “Юлдузча”, 282-мактабнинг “Камалак” жамоалари эгаллашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида бўлиб ўтган кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида жамоавий бахсларда шарафли учинчи ўринни эгаллади.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ
УЧИНЧИ ЎРИНДА

Бронза медали билан тақдирланган терма жамоамиз таркибидан Арслонбек Тожиев, Бехруз Омондавлатов, Ғолибхон Сулаймонов, Жасур Содиков, Шерхон Тўрабоев, Оловуддин Жўракулов ҳамда Шохрух Тўраевдек истеъдодли полвонлар ўрин олди. Дзюдочиларимиз мусобақа давомида Жазири, Венгрия ва Франция терма жамоаларини мағлуб этишди.

Шунингдек, Халқаро дзюдо федерацияси томонидан ўтказилган ушбу нуфузли турнирда Диебра Келдиёрова (-48 кг), Жасур Содиков (-73 кг), Шерхон Тўрабоевлар (-81 кг) шохсупанининг учинчи поғонасидан жой олиб, ўз вазн тоифаларида бронза медалларига эга бўлишди.

Ботир ХЎЖАЕВ

“Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти “Сиз Тошкентни биласизми?” викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Қўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари “Тошкент оқшоми” — “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланши лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлайдиган Тошкент шаҳридаги Инха университетида 2016 йилнинг сентябрь ойидан янги йўналиш — логистика факультети иш бошлайди.

ЁШЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТ
ЯРАТИЛМОҚДА

— Ўзбекистон ёшларининг муваффақияти ҳавасимизни келтирмоқда, — дейди Инха университети президенти Сунья Чой. — Тошкент шаҳридаги Инха университетида таълим олаётган ҳар бир йигит-қиз Жанубий Кореядаги асосий олий ўқув юрти талабаси ҳисобланади ва барча тегишли имтиёزلардан фойдаланади. Логистика факультетининг очилиши ҳам муҳим. Зеро, мамлакатимизда бу йўналишга талаб ортиб бормоқда.

Матбуот анжуманида Инха университети делегацияси аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ўтказган музокара-лари хусусида сўз юритилди. Учрашувда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим бериш, Тошкент шаҳридаги Инха университетини ривожлантириш борасида ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Меҳмонлар Тошкент ахборот технологиялари университети фаолияти, бу ерда талабаларнинг ўқиши ва амалиёт ўташи учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди. “Университетнинг 3-, 4-курс талабалари учун мўлжалланган лаборатория хоналарини кўздан кечириш чоғида Инчонда ҳам юқори курс талабалари учун шундай ўқув машғулотларини ташкил этишимиз керак, деган фикрга келдим”, — дейди Сунья Чой.

Меҳмонлар мамлакатимизнинг етакчи ахборот-ресурс маркази бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атофлича жавоб қайтарилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти СИБ Ўртачирчиқ тумани бўлими томонидан 7.04.2009 й. № 0810/24478-сонли ижро ҳужжати ҳамда 29.07.2015 йилдаги № 6422/6-сонли буртманомасига асосан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Янги Ҳаёт қўргониде жойлашган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 479 170 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖнинг ТИФ МБ Учтепа филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 9049 3605 0001, МФО: 00918, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қиймати 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 379-91-04, 975-97-69. ички — 258.

Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 1996 йил 21 июнда реестр рақами 63-сон билан ҳисоб рўйхатида олинган Ўзбекистон “Халқ бирлиги” ҳаракатининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 15 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра тугатилганлиги муносабати билан Бошқарма томонидан Кенгашга берилган 63-сонли гувоҳнома, устав ҳамда унга тегишли бўлган муҳр ва штамплар

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ
СЕМИНАР

Давлат божхона қўмитасининг “Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплекси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат божқаруви академияси билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш — давлат ва жамият ҳавфсизлиги гарови” мавзусида семинар ташкил қилинди.

Иختисослаштирилган божхона комплексининг шахсий таркиби учун уюштирилган мазкур тадбирда академиянинг “Божқаруви ҳуқуқий асослари” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди Муаттара Раҳимова кўргазмали маърузаси билан иштирок этди.

Маъруза давомида коррупция тушунчасининг мазмуни, унга қарши кураш тарихи, Ўзбекистонда коррупция жиноятларининг сабаблари ва унинг олдини олиш масалалари ҳамда коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро амалиёт ҳақида атофлича маълумотлар берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур иллатга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб республикамизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланди.

Маълумки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштириди, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг поймол бўлишига олиб келади.

Ушбу иллатга қарши курашишни жаҳон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида 2008 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 13 октябрдаги “Коррупцияга қарши” Конвенциясини ратификация қилди, шунингдек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши” конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари давлатимиз 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган.

Тадбирда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тажриба ҳақида ҳам атофлича сўз юритилди. Бонси, мазкур муаммо дунёнинг барча мамлакатларига хос бўлиб, унга қарши курашишдаги йўл-йўриқ ва тажрибалар ҳам турличадир.

Семинар якунида божхона органларида ҳам коррупцияга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, божхона органларига қабул қилинган ҳодимларнинг коррупция жиноятларига йўл қўймасликларини таъминлаш мақсадида “Ахлоқ кодекси” ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ички ҳужжат талабларини бузган ҳодимларнинг ҳатти-ҳаракатлари божхона органларининг “Ахлоқ судлари”да қўриб чиқилади ва тегишли қоралар қўрилади.

Шунингдек, божхона ҳодимларининг ота-оналари, оила аъзоларини жалб қилган ҳолда профилактика-тушунтириш ишлари доимий йўлга қўйилган. Пира бериш ва пора олишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида кўргазмали плакатлар ва стол устига қўйилган мўлжалланган буклетлар ишлаб чиқилган бўлиб, барча божхона бошқармалари, комплекслари ва постларига тарқатилган.

Божхона постларига ўрнатилган мониторинг орқали эса йўловчилар диққатига мазкур иллатдан огоҳ этишга чакирувчи видеороликлар намойиши йўлга қўйилган. Шунингдек, ўз вазифасини суистеъмол қилишга уринган божхоначилар ҳақида хабар бериш мақсадида “Ишонч телефонлари” узлуксиз фаолият юритиб келмоқда.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атофлича жавоблар олишди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг ўзаро жипслиги талаб этилади. Зеро, бу йўналишда олиб борилаётган ишхотлар фуқаролар томонидан ҳам фаоллик кўрсатилсагина, қўзланган натижани бериши мумкин.

“Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплексининг Ахборот хизмати

“101”

ҚОИДАЛАРГА
АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Бугунги кунда мамлакатимиздаги, жумладан, пойтахтимиздаги деярли ҳар бир корхона-ташкilot биноси янгича тарзда, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда.

Бу каби бино ва иншоотларда ҳавфсизлиқни, шунингдек, ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим масалалардандир. Ташкилотларда барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин ҳавфсизлигига жавобгар шахс ташкилот маъмуриятининг буйруғига асосан тайинланиши лозим. Ёнғин ҳавфсизлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрларда ёнғинга қарши курашиш учун ўт ўчириш воситаларининг бўлиши талаб этилади.

Агар шу каби қоидаларга амал қилинса, корхона ва ташкилотларимиз бинолари “тилсиз ёв” ҳуружидан ҳимояланган бўлади.

Комронбек ДЖУРАЕВ,
23-ХЕХК смена бошлиғи, катта лейтенант

дузи — 38-40 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 19 август ва 20 август Тошкент шаҳрида эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво турлари, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Қоният ярадади, шфосланиши Ҳарорат кечаси — 22-24, кун- даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Ғ-855

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6541 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.30